Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил 21 март ПАЙШАНБА

№ 21-22 (13178-79)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР, НАВРЎЗ КЕЛАДИ

Navro'z 2019

**Вилоятимиз маркази, навқирон шаҳримиз Нурафшонда катта байрам сайли бўлиб ўтди**



**Баҳор – янгиланиш ва яшариш фасли. Бу мавсумда атроф яшилликка бурканиб, она табиатнинг чексиз саховатидан баҳраманд бўламиз. Фараҳбахш онлар қалбларга ойдин орзулар, хайрли мақсадлар уруғини қадайди. Эзгу ҳислар барқ уради. Янги тонг кўклам нашидасини олиб келади, байрам тараддуди бошланади.**



Мана, барчамиз интиқлик билан кутган, дилларни қувончга тўлдириб, қалбларда меҳр-оқибат туйғулари гул очиб, она диёримизга ўзининг файзли қадамлари билан халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрами – Наврўзи олам кириб келди.

Наврўз – эзгулик, меҳр ва мурувват айёми. Азалий қадриятларимизга кўра, барча бир-бирини байрам билан қутлаш асносида ўзаро кўнгил сўрайди, беморларнинг ҳолидан хабар олинади, эҳтиёжмандлар йўқланиб, диллар шод этилади. Қавму қариндошлар, дўсту биродарлар, қўни-қўшнилар жамулжам бўлиб, байрам таоми – сумалак пиширишади. Қозон атрофида юртимизга тинчлик, мўл ҳосил, дастурхонларимизга файзу барака тилаб, дуолар қилинади.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз "Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз!" деб ёзганларида Наврўзнинг ободлик, тинчлик-тотувлик, аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбларимизда яратувчанлик ва бунёдкорлик иштиёқини уйғотадиган энг гўзал ва жозибадор байрам эканини назарда тутган бўлсалар не ажаб...

Жорий йилда вилоятимизда Наврўз айёмини ҳар қачонгидан-да кўтаринки руҳда ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўрилди.





Ҳар қандай тадбиру байрам тоза ва покиза жойда файзли ўтадида. Шу сабабли, дастлаб кўчалар ва хиёбонларда ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг миқёсда ўтказилди. Байрам арафасида вилоят бўйлаб кўчат экиш акцияси ташкил этилиб, мазкур тадбир доирасида муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар, маҳалла гузарлари, кўча ва хиёбонларга қарийб 16 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 7 минг 300 дан ортиқ оила, 860 нафардан зиёд якка-ёлғиз қариялар, 30 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам кўрсатилиб, байрам совғалари тарқатилди, 100 дан ортиқ болажонларнинг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Вилоятимизда фаолият олиб бораётган барча корхона ва ташкилотларда "Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Наврўз сайлининг асосий байрам тадбири илк бора вилоятимиз маркази Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда



### Эзгулик

**Наврўз – энг аввало, ободлик, тинчлик-тотувлик, аҳиллик, бағрикенглик рамзидир. Бир-биримизга ўзаро меҳр ва оқибат кўрсатиб, халқимиз учун фидокорона хизмат қилган улуғ инсонлар хотирасини ёд этиш бу қутлуғ байрам моҳиятига айни ҳамоҳангдир.**

## ИНСОН АЗИЗ, ҚАДР МУҚАДДАС...

Куни кеча Чиноз туманида Турсуной Охунова уй-музейи ва мемориал ёдгорлик мажмуаси бутунлай қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бир умр аёллик шаънини улуғлаб, бетимсол жасорат, матонат ва фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиб ўтган меҳнат қаҳрамони Турсуной Охунова хотирасини ёд этишга бағишланган маросимда вилоят жамоатчилиги, зиёлилар, кекса ва навқирон авлод вакиллари иштирок этишди.

Собиқ иттифоқнинг мамлакатимизда олиб борган пахта яккаҳокимлиги сиёсати, бутун халқнинг ёппасига пахтакорга айлантирилиши, бу жараёнда айниқса, аёллар, навниҳол қиз-жувонларнинг қўл меҳнатидан аёвсиз фойдаланилгани Турсуной Охунова каби давр қаҳрамонларини яратган.

Турсуной Охунова ўсмирлик чоғидаёқ пахта теримида қўл меҳнатига чек қўйиш ғоясини биринчилар қатори илгари суриб, пахтачиликни механизациялаш жараёнининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди. Унинг 17 ёшида трактор бошқаргани, ўша даврнинг оддий терим агрегатида бир мавсумнинг ўзида 200 тоннадан ошириб пахта тергани бетимсол жасорат ва ибрат намунаси эди.

У ўша даврнинг энг олий нишони – Социалистик меҳнат Қаҳрамони унвонига лойиқ кўрилганида бор-йўғи 22 ёшда бўлгани, собиқ Иттифоқ Олий Совети депутатлигига сайлангани, оддий бир ўзбек аёлининг Кремлда шахсий депутатлик қабулхонаси бўлгани, ортидан минг-минглаб қиз-жувонларни эргаштира олгани бунинг яққол ифодасидир.

Давоми 2-бетда

### Бугуннинг шеъри

## *Китоб ўқимаган ота-оналар...*



Турмушу ташвишдан намдир кўзимиз,
Биз, ким дарди бисёр, бағри поралар.
Улар – орамизда, улар – ўзимиз,
Китоб ўқимаган ота-оналар.

Бағрига тош каби ботарми фурсат,
Наҳот, этагидан тортарми фурсат,
Тўю маъракадан ортарми фурсат?..
Китоб ўқимаган ота-оналар.

Ғафлат қопламасми, ногоҳ кўзини,
Тойчоқлар босармиш отнинг изини,
Яхши ҳис қиларми, айтинг, ўзини,
Китоб ўқимаган ота-оналар.

Китоб растасидан ҳар кун ўтади,
Ҳар кун минг ташвишу алам ютади,
Қандай боласига китоб тутади –
Китоб ўқимаган ота-оналар?

Наҳот ўша сизсиз, наҳот ўша биз,
Худди денгиз каби тўлиб тошамиз,
Қачон юрт ишига ҳисса қўшамиз
Китоб ўқимаган ота-оналар.

Майли, кўчаларда югуринг, дайдинг,
Уйга битта китоб кўтариб қайтинг.
Худони шулардан таниймиз, айтинг,
Китоб ўқимаган ота-оналар.

Руҳин шод айлангиз парвонангизни,
Нур билан тўлдиринг ғамхонангизни,
Бугундан бошлангиз мутолангизни,
Китоб ўқимаган ота-оналар.

**Аслиддин САБРИДДИНОВ,**
**"Мард ўғлон" давлат мукофоти совриндори**

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИМКОНИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

*2019 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қибрай туманида "Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида яратилган имкониятлар ва имтиёзли кредитлар" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.*

### Семинар





Семинарда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят Адлия бошқармаси вакиллари, вилоят банк-молия муассасалари раҳбарлари, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, вилоят "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда мазкур қарор хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўринларини эгаллашларида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 майдан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилиниши, бундан ташқари, 2 ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи жорий этилиши каби имтиёзлар йиғилганларга батафсил тушунтирилди.

Анжуманда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**
*Мансур ҲИММАТОВ*
*олган суратлар*

### Туҳфа

## «БАХТЛИ БОЛАЛАР» БОҒЧАСИ

*Юртимиз бўйлаб Наврўз айёмининг шукуҳи кезиб юрган шу кунларда ангренликларнинг қувончи чексиз. Сабаби, байрам арафасида шаҳарда давлат шерикчилиги асосида қурилган янги "Happy child" номли мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.*

Очилиш маросимида сўз олганлар мамлакатимизда ёш авлодга муносиб таълим-тарбия бериш, ўғил-қизларнинг баркамол инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Тадбиркор Қудрат Аҳмедов томонидан замонавий дизайн асосида барпо этилган ушбу боғча 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, у ерда болалар 5 та гуруҳга қамраб олинади. Муассасада болажонлар таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган. Таълим жараёнига малакали педагоглар жалб қилиниб, машғулотлар рус ва инглиз тилларида ҳам олиб борилади. Шунингдек, мусиқа ва бир нечта спорт тўгараклари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.



Мазкур муассасанинг қурилишига жами 750 млн. сўм маблағ сарфланди. Боғча фаолият бошлаши билан 10 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди.

**Доно ЭРКИНОВА,**
**вилоят мактабгача таълим бошқармаси бўлим бошлиғи**





# ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР, НАВРЎЗ КЕЛАДИ





Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари барчани байрам сайлига чорлади. Фарзандини, набирасини етаклаб келаётган ота-оналар, буви-ю бобожонлар, миллий либослардаги йигит-қизлар, турли миллий-маданий марказлар вакиллари, хорижлик сайёҳлар, хуллас, барчанинг чеҳрасида хурсандчилик ва шукроналик туйғулари акс этган, ҳамма байрамона кайфиятда. Албатта, байрам шодиёналари юқори савияда, хотиржамликда ўтиши учун қўшимча чора-тадбирлар кўрилган. Тантаналар ўтадиган жойда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш маскани, фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан махсус штаб ҳам ташкил этилган.

Шаҳар марказидаги "Тошкент йўли" кўчасининг икки томони бўйлаб вилоятнинг барча туман ва шаҳарларининг ўзига хос жиҳатларини акс эттириш учун маҳобатли павильон ва ўтовлар ўрнатилди. Халқ амалий, тасвирий санъати намуналари, миллий либослар ҳамда китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Бошланиши 1-бетда

Сайил ҳақиқий ёшлар байрамига айланиб кетди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Қувонарлиси, сайил доирасида ҳаваскор спортчилар ўртасида веломарафон, югуриш бўйича ёшлар марафони, "Китобхонлик викторинаси", "Ҳар бир ёшга бир ниҳол" каби лойиҳалар ўтказилиб, кўплаб ёшлар қамраб олинди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов сўзга чиқиб, барчани Наврўзи олам билан самимий муборакбод этди. Шунингдек, қисқа фурсатларда вилоятимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлаётгани, хусусан, энг замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида бунёд этилаётган "Нурафшон-сити"нинг қурилиш-лойиҳалаш ишлари бошланиб кетганлигини алоҳида таъкидлади.

– Халқимиз Наврўз байрамини азалдан ўзгача хурсандчиликда нишонлаб келган, – дейди Республика маънавият ва маърифат маркази Нурафшон шаҳар бўлими бошлиғи Шуҳрат Ражабов. – Эсласангиз, бир замонлар мазкур байрамни нишонлаш у ёқда турсин, ҳатто, ёд этиш ҳам тақиқланган эди. Шукрки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Наврўз – умуммиллий байрам сифатида кенг нишонланиб, қадриятларимиз тикланди. Уч йилдирки байрам халқ сайиллари тарзида ўтказилмоқда. Наврўз – қадимий анъаналаримизни бутун бўй-басти билан кўрсатиши орқали бошқа байрамлардан ажралиб туради ва ёшларимизда қадриятларимизга ҳурмат шаклланади.

Кун давомида дошқозонларда сумалак, ҳалим, ош ва бошқа баҳорий таомлар тайёрланиб, меҳмонларга улашилди. Байрам дастурхони тўрида юзларидан нур ёғилиб ўтирган отахону онахонлар қўлларини дуога очиб, юртимиз тинчлиги абадий, халқимизнинг ризқи бутун бўлишини тиладилар.

– Бу йилги Наврўз байрами жуда чиройли ўтмоқда, – дейди Қуйи чирчиқлик Зебинисо Эримбетова. – Ҳамма павильонларни айланиб, томоша қилдим. Кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

– Фарзандларим билан сайилда маза қилиб, яйраб юрибмиз, – дейди Ўрта чирчиқлик Муқаддас Пирматова. – Бу йилги байрам Нурафшонда ташкил қилингани жуда яхши бўлди-да. Бугун халқ ўйинлари ва турли кўргазмаларни мароқ билан томоша қилдик. Ўзим ва фарзандларим учун китоблар сотиб олдик. Жуда хурсандмиз. Келаси йилги Наврўзларга эсон-омонликда етайлик.

Сайилда турли халқ ўйинлари ташкил этилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Кечгача давом этган сайилда эл ардоғидаги санъаткорлар, вилоятдаги мақом ва фольклор-этнографик ансамбллари ижросидаги куй-қўшиқлар барчани рақсга чорлаб, кўнгилларни завққа тўлдирди.

Байрам тантаналари вилоятимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб давом этмоқда.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ ва Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар*



## ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Вилоятимизда Наврўз айёми зўр тараддуд, муносиб туҳфалар билан қарши олиниб, кенг нишонланмоқда.

Юртимиз бўйлаб янгиланиш ва яшариш айёми шукуҳи кезиб юрган шу кунларда вилоятда қатор янги ижтимоий-иқтисодий объектлар, мактабгача таълим муассасалари, фуқаролар йиғини бинолари, истироҳат боғлари фойдаланишга топширилаётир.

Вилоят туризмни ривожлантириш департаментидан маълум қилинишича, байрам кунлари вилоят ҳудудида 120 ўринли меҳмонхона ва 20 ўринга мўлжалланган санатория фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Қибрай туманида оилавий дам олишга мўлжалланган "SHK VILLAGE" меҳмонхонаси фаолиятини бошлади. Мажмуа бир вақтда 120 нафар меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, сайёҳлар учун барча қулайлик яратилган. 3 гектар майдонга эга мажмуада шунингдек, 2 та мажлислар зали, қишки ва ёзги чўмилиш ҳавзаси ва ресторан ҳам бор.

Чирчиқ шаҳрида эса замонавий "Мед – нур" клиник санаторийси фойдаланишга топширилди.

**ЎзА**

## ИНСОН АЗИЗ, ҚАДР МУҚАДДАС...

Бошланиши 1-бетда

– Бу дунёда ўз меҳнати, эътиқоди билан ўзига-ўзига ҳайкал қўйиб кетган инсонлар бўлади, – дейди чинозлик журналист Сурайё Аҳмедова. – Турсуной ая ҳам том маънода ана шундайлардан эди. Унинг мана шу бюсти айнан тириклик чоғида қўйилганини кекса авлод вакиллари яхши эслашади. Яқинларининг айтишича, Турсуной ая ҳар сафар мана шу жойдан ўтаётганда ўз бюстини кўриб, жуда ноқулай бўларканлар. Бу, керак бўлса, бир қўли билан дунёни тебратадиган бизнинг аёлларга хос камтаринлик, ҳалоллик ва оддийликнинг яққол мисоли, албатта.

Афсуски, турли даврларда бундай сиймолар шахсиятига турлича қарашлар бўлди, муносабатлар ўзгарди. Бу ердаги мемориал ёдгорлик ва уй-музей қаровсиз ҳолга келгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Юртимизда Инсон қадри, шаъни улуғланиши, тарихимизда муносиб из қолдирган сиймоларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани кўплаб тарихий ҳақиқатларни кўз ўнгимизда намоён этмоқда. Наврўз байрами арафасида мана шу муаззам майдоннинг қайта юз очиши, ободонлаштирилиши ана шу маърифатли, адолатпарвар сиёсатнинг маҳсулидир, дейиш мумкин.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар бу хотира мажмуаси аввало, Аёл зотига, Онага эҳтиромнинг яна бир тимсоли, қолаверса, ёшларимиз учун ўзига хос ибрат, ифтихор маскани бўлиб қолажагини таъкидладилар.

Маросимда Ўзбекистон Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У. Муҳаммадиев, вилоят ҳокими Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

## САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ

*Чирчиқ шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг долзарб масалаларига бағишланган ҳудудий семинар ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Республика, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари вакиллари, ишчи гуруҳлар аъзолари, ҳудудий ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари ҳамда бошқа масъуллар иштирок этди.*

### ❑ Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда маҳалла институтининг давлат бошқарувидаги иштирокини янада оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Айни пайтда фуқаролар йиғинлари халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айланиб, аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларини ҳал этиш, эзгу ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолида тадбиркорлик кўникмасини ошириш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Жорий йил май ойида Тошкент вилоятидаги 1 минг 13 маҳаллада фуқаролар йиғини раиси сайланади. Ушбу сайлов қонунга киритилган янги ўзгартиришлар, меъёр ва тартиб-қоидалар асосида ташкил этилмоқда. Шунга мувофиқ, бу йил маҳалла раиси аввалги сайловлардан фарқли тарзда уч йил муддатга сайланади.

Фуқаролар йиғини раиси сайлаб олингач, бир ой муддатда маслаҳатчилар сайланади. Шунингдек, сайловнинг шаффофлигини таъминлаш, бу жараёнда кўпроқ фуқаролар иштирокини таъминлаш, номзодлар ҳақидаги маълумотларни маҳалланинг аҳоли гавжум ҳудудларига, маҳаллий веб-сайтларга жойлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йилги сайловда кузатиладиган асосий ўзгаришлардан яна бири – маҳалла раислигига номзоднинг яқинлари сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар таркибида бўлишига йўл қўйилмайди.

Амалий мулоқотда сайловни очиқ-ошкора ва муқобиллик асосида ўтказиш юзасидан таклиф-тавсиялар билдирилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Худди шундай ҳудудий семинар Бўка туманида ҳам бўлиб ўтди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**



# ТИНЧ ВА ОБОД ЮРТНИНГ ҲАР КУНИ НАВРЎЗ!

## вилоятимиздаги шаҳар ва туманларда ўтказилган Наврўз сайилларидан «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар беради

***Халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрами – Наврўзи олам – шарқона янги йилнинг бошланишини бугун вилоятимиз аҳли ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда, шоду хуррамлик билан тантана қилмоқда.***



**ПИСКЕНТ тумани**даги "Ёшлар боғи"да Наврўз байрами кўтаринки руҳда ўтказилди. Эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари барчани байрам сайлига чорлади. Тумандошлар шоду хуррамлик билан байрам тантанасида иштирок этдилар.

Туман ҳокими Ш. Аҳмедов барчани Наврўз айёми билан самимий қутлади.

Эл суйган хонандалар Равшан Комилов, Озода Ёрова, Аҳрор Усмонов, Масрур Усмонов, Гули Асалхўжаевалар ижросидаги қўшиқлар дилларни хушнуд этди. Юрагида ўти борлар, роса рақсга тушишди. Сайил давомида турли спорт ўйинлари ўтказилди. Сумалак ва баҳор таомлари байрам дастурхонини безади.

**ҚИБРАЙ тумани**даги хушманзара "Дўрмон" боғи ҳам бетакрор ва қадимий Наврўз нашидаси билан тўлди.

Туманнинг ёшу қариси байрамга ташриф буюрди. Туман ҳокими Мираъзам Миркасимов барчани самимий табриклади.

Эл суйган санъаткорлар ўзларининг дилтортар куй ва қўшиқлари билан хизматда бўлишди. Сайилда йиғилганларга Наврўзнинг тансиқ таоми – сумалак тарқатилди. Эпчил дорбозлар ёшу қарини ҳайратга солдилар. Байрам барчада хушкайфият ва унутилмас таассуротлар қолдирди.

**БЎСТОНЛИҚ тумани**даги Қоронқул қишлоғининг гўзал ва сўлим адирларида уюштирилган халқ сайлида туман ҳудудида жойлашган олтмишга яқин маҳалла фуқаролар йиғини, 54 та умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишди.

Наврўз тантаналарини туман ҳокими Ғайрат Мадаминов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни яшариш ва янгиланиш фасли – Наврўзи олам билан қутлади.

Катта сайилда туманда азал-азалдан сақланиб келган миллий анъаналар ва урф-одатлар бутун бўй-бастини кўрсатди. Шу куни туманда фаолият юритувчи фермер хўжаликлари томонидан турли кўргазмалар ташкил этилди. Болажонлар ўртасида варрак учириш мусобақалари ўтказилди, катталар эса чавандозлик бўйича ўзаро баҳслашишди. Шунингдек, дошқозонларда пиширилган сумалак ва ҳалим байрам иштирокчиларига манзур бўлди.

Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудовнинг чиқишлари, шунингдек, "Гулёр" фольклор-этнографик ансамбли ва рус миллий-маданий марказининг "Қизил чинни гул" дастаси ҳамда қозоқ миллий-маданий марказининг дўмбирачи ва ўланчи қизларининг қўшиқ ва рақслари йиғилганларга ўзгача кайфият бағишлади.

**БЎКА тумани**даги Марказий ўйингоҳда корхона, ташкилот, муассасалар томонидан байрамона безатилган дастурхонлардан баҳорий ноз-неъматлар ўрин олди.



Туманда истиқомат қилувчи қирғиз, қозоқ, тожик, корейс миллати вакиллари Наврўзни ҳамжиҳатликда, кўтаринки руҳда қаршиладилар. Қадрдонлар ўз миллий либосларида, байрамга хос лапарлар куйлаб, меҳмонларни хушнуд этишди. Тумандаги 40 та маҳалла аҳли жамулжам бўлиб, дошқозонда сумалак пиширишди. Сумалак базмига кексалар таклиф этилди.

Туман ҳокими Бектемир Ибрагимов бўкаликларни байрам билан қутлади. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Тошпўлат Маткаримов, Умида Мирҳамидова, Равшан Собиров, "Ниҳол" давлат мукофоти совриндорлари Ёдгор Мирзажонов, Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг актёрлари сайил иштирокчиларини дилтортар қўшиқлари билан хушнуд этишди.

Байрам арафасида кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Тумандаги кам таъминланган оилалардан 18 тасига қорамол тарқатилди.

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани**да бу йилги Наврўз байрами алоҳида кўтаринкилик билан бошланди. Янгибозор қўрғонида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳайкали тантанали равишда очилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов сўзга чиқиб, янги эзгулик маскани билан туман аҳлини самимий қутлади.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир Навоийни мадҳ этувчи гўзал шеърлар ўқиди.

Наврўз сайли Ёшлар боғида давом этди.

– Халқимиз билан бирга, байрамда қатнашаётганимдан севинчим ичимга сиғмаяпти, – дейди янгибозорлик отахон Элёр Ҳакимов. – Бу галги байрам аввалгиларидан-да ўзгача ўтмоқда. Ўзим саксон икки ёшдаман. Умрим давомида кўп нарсаларни кўрдим. Уларни эслагим ҳам келмайди. Халқнинг сайил қилиши учун яратилган бундай шароиту имкониятлар яна қайда бор-а? Тўрт кунлик дам олиш кунлари Наврўзни янада сермазмун ўтишини таъминлади, албатта. Узоқдаги қариндошларни йўқлаш, сайру саёҳатларга чиқиш учун катта имконият бу.



*Сумалакдан тош топдим, бир парча қуёш топдим...*

**ЧИНОЗ тумани**даги Марказий ўйингоҳ ҳам Наврўзга уйғун безалди.

Туман ҳокими Акмалхон Мадиев йиғилганларни байрам билан табриклаб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик халқ сайилларида ўз аксини топаётганини алоҳида таъкидлади.

Байрам тадбирида турли миллат вакиллари ўз удумларини намойиш қилишди. Қад кўтарган ўтовлар атрофида мушоиралар ўтказилди. "Баркамол авлод" болалар маркази спортчилари томонидан турли мусобақалар ташкил этилди. Шунингдек, "Чиноз туманини гуллаб-яшнаётган боғга айлантирамиз" акцияси ҳам ўтказилди.

Маҳаллалар кайвонилари томонидан пиширилган сумалак барчага тарқатилди.

Сайилга ташриф буюрган Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова ижросидаги қўшиқларга ёшу қари рақсга тушди.

**ЯНГИЙЎЛ тумани**, Гулбаҳор қўрғонидаги Маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан карнай-сурнай садолари янграб, барчани Наврўз сайлига чорлади.

Боғ атрофи Наврўзни улуғловчи шиорлар, табриклар ҳамда анвойи гуллар билан безатилди.

Туман ҳокими А. Тўхтабоев меҳмонлар ва туман аҳлини Наврўз билан қутлади. Республика, вилоят кўрик-танловларида ғолиб бўлганларга ҳокимликнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шундан сўнг ажойиб сайил бошланди. Унда миллий урф-одат, анъаналаримиз акс этган халқ ўйинлари барчани қувонтирди.

Ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар фаоллари байрамона дастурхон тузаб, меҳмонларни кутиб олишди. Бир томонда эса умумий ўрта таълим мактаблари жамоалари баҳор таомлари тайёрлашди. Турли тўгарак иштирокчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиш этилди. Боғдаги аттракционда болажонлар мириқиб ўйнашди. Туман Маданият бўлими ҳамда Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури сайил иштирокчиларига манзур бўлди.

**ЯНГИЙЎЛ шаҳри**да ҳам байрам миллий урф-одатлар тараннуми билан бошланди.

Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари жўрлигида жарчининг овози янгради: "Одамлару одамлар, тоғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар, кейин пушаймон бўлманглар э-ҳе-е-й!.." Сайилгоҳга тўрт томондан одамлар оқиб кела бошлади. Неварасини етаклаб олган буваю бувилар, бахтиёр ёш ота-оналар, ўктам йигит-қизлар, барча-барчанинг юз-кўзида байрамона кайфият. Сумалак, ҳалим, палов, кўксомса каби баҳорий таомлар тортилди.

**ЧИРЧИҚлик**ларнинг Наврўзи ҳар сафар ўзига хос бўлади. Кўп миллатли ҳудуд аҳли бир оила фарзанди бўлиб қутлуғ айёмни чинакам шодиёнага айлантирадилар.




Шаҳардаги "Кимёгарлар" истироҳат боғи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга йиғилган 5 мингдан ортиқ чирчиқликлар ва сўлим кент меҳмонларини шаҳар ҳокими Қаҳрамон Рашитов самимий қутлади.

Ўзбек, қозоқ, тожик, корейс каби ўнлаб миллат вакиллари ўз осориатиқаларини, миллий таомларини тайёрлаб, сайил иштирокчиларига тортиқ этдилар. Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари, миллий ўйинлар сайилга алоҳида файз бағишлади.

**ОЛМАЛИҚ шаҳри**даги "Металлург" маданият саройида намойиш этилган концерт дастури, турли кўргазмалару кўнгилочар тадбирлар баҳорнинг бутун тароватни, гўзаллиги, нафосатини ўзида акс эттириб, Наврўз сайлига чиққанларга хуш кайфият бағишлади.

Бугунги сайил шаҳарнинг барча маҳаллаларида анча олдин бошланган Наврўз байрами тантаналарининг энг каттаси бўлди.

– Наврўз – шарқона Янги йил дебочасидир, – дейди Фазлиддин Пардаев. – Ушбу айёмни халқимиз ҳар йили кўтаринки руҳда, катта шодиёна билан нишонлайди. Тинч ва фаровон юртга байрамлар, тўйлар ярашади. Илоҳим, мустақил юртимизда байрамлар кўп бўлсин!

Эрта тонгдан **ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани**нинг мусаффо осмони узра янграган карнай-сурнай садоси аҳолини Дўстобод шаҳридаги Марказий ўйингоҳдаги "Табиатнинг айёмисан – Наврўзим!" шиори билан ўтказилган сайил томон бошлади.



Туман ҳокими Собир Муродов туман аҳлини байрам билан табриклаб, самимий тилакларини изҳор этди.

Байрамга тайёргарлик ишларида фаоллик кўрсатган Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, "Боғистон" ҳамда "Пахтачи" маҳаллалари фаоллари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, Осиё чемпионати ғолиби, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Жасур Аҳмедов, ёш доирачилар республика кўрик-танлови ғолиби Ўлмас Довбеков ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Байрам сайлида маҳаллалар фаоллари, кайвони онахонлар, корхона ва ташкилотлар жамоалари 48 та дошқозонда сумалак тайёрлаб, тарқатишди.

Эл суйган санъаткорлар – Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наргиза Азимова, сўз устаси Улуғбек Холмедовларнинг чиқишлари байрам иштирокчиларига олам-олам завқ-шавқ бағишлади.

**ОҲАНГАРОН шаҳар** маданият ва истироҳат боғида "Наврўзни соғинган Наврўзга етсин!" номли байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими Одилжон Жўраев оҳангаронликларни байрам билан табриклади.



Шундан сўнг шаҳар ҳокимлиги томонидан ўзининг фидокорона меҳнати ва фаоллиги билан ибрат кўрсатган бир гуруҳ турли соҳа вакиллари муносиб тақдирланди. Шунингдек, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар моддий қўллаб-қувватланиб, ёлғиз кексаларнинг дуоси олинди. Байрам баҳона уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Сайилда корхона, ташкилот, муассасалар ўзларига ажратилган бўлмаларда баҳорий таомлар тайёрлаб, элга тортиқ қилишди. Шаҳарда истиқомат қилувчи қирғиз, қозоқ, тожик, корейс миллати вакилларининг аҳил-иноқлиги сайилда янада яққол сезилиб турди.

**ПАРКЕНТ тумани** ҳокимлиги майдонида ташкил этилган сайилда ҳоким Ниғмат Муҳамедов барчани байрам билан қутлади.

Исроил Саидумаров, Ҳожиакбар Маллабоев каби элимиз суйган хонандалар Наврўзни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

– Наврўз айёмини нишонлаш мақсадида оиламиз билан сайилга келдик, – дейди Зулфия Шокирова. – Байрамни шундай кўтаринки руҳда ўтаётганидан жуда шодмиз. Яхши ҳордиқ олишимиз учун яратилган шароитлар учун катта раҳмат. Байрамлар ярашган юртимизга кўз тегмасин.

**ТОШКЕНТ тумани**нинг Келес шаҳарчасидаги Зоирхон Жалилов номли Марказий ўйингоҳда "Хуш келдинг, баҳорим – хуш келдинг, Наврўз!" шиори билан байрам тантаналари ўтказилди. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари барчани байрам сайлига чорлади.

Туман ҳокими Акбар Сулаймонов йиғилганларни Наврўзи олам билан муборакбод этиб, ўзининг самимий тилакларини билдирди.

Бир-биридан файзли, тўкин байрам дастурхонлари баҳорнинг тансиқ таомлари – сумалагу ҳалимлар билан безалди.

Катта саҳнада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурашид Йўлдошев, хушовоз хонанда Даврон Аҳмедов, шунингдек, 32-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчилари, 12-мактабгача таълим муассасаси болажонлари ҳамда туман маданият бўлими хонандалари ижросида барчани рақсга чорловчи куй-қўшиқлар янгради.

**БЕКОБОД тумани**даги байрам тадбирлари ўтадиган Марказий ўйингоҳнинг кириш қисмида бунёд этилган мўъжазгина болалар хиёбони шаҳарча ҳуснига ҳусн қўшибди.

Байрамдан бир кун олдин туман ҳокимлигининг боғида "Далварзин", "Деҳқонобод" ва Улуғбек номли маҳаллалар фаоллари учта дошқозонда сумалак қайнатишди.

Наврўз байрами тантаналари эса марказий ўйингоҳда бўлди. Тадбирни туман ҳокими Неъматжон Абдуллаев табрик сўзи билан очиб бергач, карнай садолари билан бошланган тантаналар куй-қўшиқларга уланиб кетди. Эстрада хонандаси Наргиз, "Ниҳол" мукофоти совриндори Умар Шамшиев, халқаро кўрик-танловлар ғолиби Жўрабек Жўраев ижро этган тароналар, қизиқчи Валижон Шамшиевнинг ичакузди ҳангомалари томошабинларга ўзгача кўтаринкилик улашди. Шунингдек, туман маданият бўлими, "Баркамол авлод" болалар маркази, мусиқа ва санъат мактаби бадиий жамоалари иштирокчилари ҳамда "Нилуфар" фольклор жамоаси томонидан ҳам миллий қўшиқ ва лапарлар ижро этилди. Шоир Муҳиддин Маҳкам ўз шеърларидан ўқиб берди.

**ЗАНГИОТА тумани**даги байрам сайли Эшонгузар қўрғонидаги марказий кўчадан бошлаб, янги қурилган "Нуронийлар" маскани, "Маданият саройи", кутубхона, 430 ўринли тадбирлар зали, Ёшлар ва инновацион ғоялар маркази олдидаги янги асфальтланган йўл бўйлаб ташкил этилди.

Байрамнинг асосий тадбири шу ерга ўрнатилган катта саҳнада бўлиб ўтди.

Туман ҳокими Абдуваҳоб Тамикаев сайилга ташриф буюрган барчани Наврўз айёми билан қизғин муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди.

Шу куни туман ҳокимлиги томонидан эҳтиёжманд оилаларнинг 31 нафар фарзандига суннат тўйи ўтказилди. Туман Давлат санитария-эпидемиология назорати бўлими томонидан 12 та қозонда турли баҳорий таомлар тайёрланиб, халққа тортилди.

Сайил авжига чиққанида яна бир хушхабар тарқалди: тумандаги 32-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шоҳрух Нажмиддинов муайтай бўйича Таиландда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритиб қайтибди. Ҳамма қарсак чалиб, чемпионни олқишлади.

Эълон

**«Сувсоз» ДУК қошидаги "Мусаффо оби ҳаёт" МЧЖ**

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 23 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги 200-сонли қарорига асосан ҳамда Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантиришни ташкиллаштириш мақсадида 2019 йил 1 мартидан вилоятда ичимлик суви таъминоти хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдори 1 куб. м. учун 50 сўм ва канализация хизматлари учун махсус ҳақ миқдори 1 куб. м. учун 50 сўм этиб белгиланганини маълум қилади.**



# Куртаклар кулгуси топмасин озор, Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор

**Иқбол МИРЗО,**
Ўзбекистон халқ шоири:



– Юртимиз шундай географик ҳудудда жойлашганки, биринчи мартдан баҳор келди деб айтавериш мумкин, шу кундан уйғонган тупроқнинг намхуш ҳиди таралади, даралarда ёлларини ҳилпиратиб мовий шабадалар тойчоқлардек ўйноқлайди. Кўклам нашъаси ҳар қандай юраги қайроқтошдан йўнилган банданинг ҳам кўнглини юмшатади...

Баҳорни ёдга олсак, унга уйқашиб Наврўз айёми шодиёналари кўз олдимизда намоён бўлади. Бу байрам одамларни бирлаштиради, меҳр-оқибатни тиклайди, болаларни тарбиялайди.

Наврўз билан юртдошларимизни қутлаб, барча эзгу ниятларга ижобат берсин, қалбларимизни баҳор осмони каби мусаффолик тарк этмасин, тафаккур ҳамроҳ, ғафлат эса йироқ бўлсин, деб тилак айтгим келди.



**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
ёзувчи, драматург:

– Наврўз – тириклик, ризқ байрами. Наврўзда Она замин осмонга бағир очади. Ҳаётнинг улуғ бир битиги – мангу қонунияти мавжуд Наврўзда.

Наврўзнинг ёшини жуда қадим замонлардан излаймиз. Зардуштийлик, Аҳамонийлар даври манбалари Наврўзнинг қадим айём эканлигидан сўзлайди. Бу қутлуғ байрам ҳақида Кошғарий, Беруний, Умар Ҳайём, Алишер Навоий каби улуғ боболаримиз жуда кўп маълумотлар ёзиб қолдиришган.

Наврўз аҳиллик, оқибат, меҳр, инсонийлик айёми. Бу байрамда инсонлар ўртасида гина-кудурат унутилади, ердан ёмонлик сояси кўтарилади. Аҳир, ер бағрига уруғ қадалиб, "Яхшилик унсин", деб бутун халқ ният қилиб, шу уруғга кўз тикиб турганда, биз инсон боласининг кўнглида шу уруғ ҳимматичалик ёруғлик уйғонмаса, бу ҳолатни энди ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди-да.

Наврўзда урушлар тақа-тақ тўхтаган. Шунинг учун ҳам бу байрамни тириклик тантанаси деймиз. Буюк бобомиз Ҳазрат Навоий "Ҳар кунинг Наврўз ўлсун" деганларида ана шу тимсол – ер юзида, одам боласи ҳаётида фақат бахт-иқбол тантана қилсин, деган ниятга борган бўлса ажабмас.

Қалбимизда ҳамиша яхшилик ва ёруғлик уруғлари илдиз отаверсин. Байрам муборак!

# ТИРИКЛИК ТАНТАНАСИ

**Боқий қадрият ва анъаналаримиз тимсоли бўлган Наврўз байрамини элимиз орзиқиб кутади. Бу кун азалдан қишнинг ариши-ю баҳорнинг совуқлар заҳмидан халос бўлган ҳолда ҳукм суриши рамзи бўлган. Экин-тикин ишлари ҳам Наврўздан сўнг бошланган.**

Биргина Наврўз арафасида бажариладиган урф-одат ва анъаналаримизга четдан назар солсангиз, нақадар бой миллий қадриятларга эгалигимизга амин бўласиз. Айниқса, инсонийлик, меҳр-оқибат намуналари қалбга сурур бағишлайди.

Наврўз фалсафаси, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида қуйида халқимизнинг ардоқли фарзандлари, ижодкорлар, санъаткорларнинг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этдик.



**Наврўз ЖУМАЕВ,**
актёр:

– Наврўз яқинлашгани сари мен болалигимга қайтгандек бўлавераман. Қишлоғимизда бу байрам жуда шукуҳли тарзда, завқ-шавқ билан нишонланарди. Сайил бўларди, баҳорий ўйинлар қизирди, шу мавсумга мос таомлар тайёрланарди. Бизнинг эса ғамимиз йўқ, севинчимиз ичимизга сиғмайди.

Шу айём кунида дунёга келганим учун исмим ҳам унга монанд қўйилган. Балки шунинг учундир, Наврўзи оламнинг ташрифи менга бошқалардан ҳам кўпроқ қувонч бағишлайди.

Одамнинг руҳи, юракдаги туйғулари янгиланадиган бу айёмда ҳамма бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатишга интилади. Бу табиий равишда рўй беради. Инсонларни яхшиликка ва ҳаётни севишга ундайдиган Наврўз байрами билан газета муштарийларини, улар орқали барча юртдошларимизни қутлайман.

**Адиба УМИРОВА,**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

– Эзгулик, Поклик, Гўзаллик, Навқиронлик байрами – Наврўзда бутун борлиқ жонланади. Кўчалар, шаҳарлар, қишлоқлар ҳур ҳаётга қайтади. Байрам дастурхонини ёзиб, эл ўз шодлигини нишонлайди. Мурғак қалбларига эртанги кун шавқини солиб, тўрт томонга: "Наврўз келди, Наврўз келди", деб жар солиб юрган болакайларнинг шодлигини ҳеч нимага қиёслаб бўлмайди.

Болалигимда онам билан узоқ-яқин қўшниларнинг эшигини чертиб, сумалак улашардик. Бусиз баҳор баҳорга ўхшамасди. Бемор чеҳраларга табассум югурарди. Хаста дилларда умид уйғонарди. Чақалоқ йиғиси эшитилган хонадонларнинг чироғи тонггача ўчмасди. Кўчамиздан ўтиб-қайтганлар ҳам: "Наврўз муборак бўлсин", деб янги кун билан қутларди. Онам ҳар баҳор: "Эсон-омон шу кунларга етказганингга шукр", деб майсаларни кўзига суртарди. Бунинг нималигини тушунмасам-да, ичимдан кўклам нафасини туярдим. Шу қувонч ҳалигача ҳаётимга маъно беради.

Ёшлик қалбда яшаркан. Ҳозир ҳам айвонидан қумрилар, қалдирғочлар паноҳ топган, ўсмалар, райҳонлар экилган эшиклар олдидан бепарво ўтиб кетолмайман. Эски шаҳардаги қадим бисотлар сотиладиган бозорлар, саҳардан масжидга йўл олган оқ яктакли отахонлар, дуогўй онахонлар менга кўп нарсани эслатади. Айниқса, юртимиз кўчаларидаги Наврўз томошалари, байрам сайлига чиққанларнинг шодон қиёфада уйга қайтишлари бир олам завқ беради. Наврўзда ўзбекона урф-одатларимиз бутун бўй-бастини кўрсатади. Бу йил ҳам соғиниб кутган кўкламларга етдик. Барча юртдошларимизни байрам билан табриклайман. Юртимизга Наврўзнинг қадами қутлуғ келсин!





**Сирожиддин САЙЙИД**
Ўзбекистон халқ шоири

## *Наврўз қўшиғи*

Фалак бизни балолардан асрадими?
Юлдузлардан бойчечаклар сачрадими?
Бир куртакка алмашдим бор ҳасратимни,
Олам эски, лекин ўнгу сўлим янги.

Осмон бўлди бир кечада ҳорғин бағрим,
Тўй бошлади чақинларим, ёмғирларим,
Гўё ҳозир япроқ ёзар томирларим,
Гўё эски қалам тутган қўлим янги.

Ойларга ҳам алишмасман юзларини,
Қаранг Қўқон, қаранг Сурхон қизларини.
Зулфларию райҳонларнинг исларини
Олиб келган эпкинларим, елим янги.

Эй кўҳна боғ, кўпдир чеккан азиятинг,
Қуриган шох, дилда сенинг васиятинг,
Эй сариқ барг, қулоғимда насиҳатинг,
Бу йил энди менинг гулзор, гулим янги.

Ҳар кўнгилга бир янги куй, қўшиқ берсин,
Имон, инсоф, диёнатни қўшиб берсин.
Ҳар бир уйга энг аввал бир бешик берсин,
Ҳеч бир уйга кўрсатмасин ўлим янги.

Бормоқдасиз гарчи Ҳинду Хитойларга,
Умид айланг ўз eрингиз, Худойларга,
Уйларингиз тўлсин бу йил буғдойларга,
Ғимирлаган элим, дашту чўлим янги.

Лолалардан гар айтмадим, қир айтади,
Қолганларин само айтар, ер айтади.
Кўнглим очсам, ҳар гиёҳ бир шеър айтади,
Ростин айтсам, кўксимдаги дилим янги.



**Маҳмуд ТОИР**
Ўзбекистон халқ шоири

## *Биз кутган баҳор*

Орзиқиб кутганим – кўкламим келди,
Кимни соғинтирмас, айтинг, бу баҳор.
Мен сизни, ўзимни қутлагим келди,
Ҳам тилда, ҳам дилда айтайлик такрор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Бол сўрар баҳордан боғи бор одам,
Ошиқдир дилида оҳи бор одам,
Паст кетмас кўксида тоғи бор одам,
Куртаклар кулгуси топмасин озор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Жомларга сиғмайди шодлик шароби,
Баҳор қўлларида гулнинг гулоби,
Хуш келдинг бошларга ором офтоби,
Қайси остонага ярашмас гулзор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Ҳар майса Худонинг ерга саломи,
Қайтган қалдирғочлар кўклам каломи,
Яшашга чорлайди яхшилар номи,
Хуш ният хуш ёқар айтсанг ҳам юз бор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.



**Эшқобил ШУКУР**

## *Субҳи саҳар*

Кўнгилга хуш келдинг,
эй субҳи саҳар,
Уйғот ухлаб ётган
томирларимни.
Мўминлар кўз ёши – гавҳар шудринглар,
Ювсин ғубор чўккан бағирларимни.
Бу элга хуш келдинг, эй субҳи саҳар,
Бу дилга хуш келдинг, эй субҳи саҳар.

Очай эшикларни, деразаларни,
Масиҳ нафасингни май каби ичай.
Олис болаликда йўқотиб қўйган
Синглимни топгандай мен сени қучай.
Элимга хуш келдинг, эй субҳи саҳар,
Дилимга хуш келдинг, эй субҳи саҳар.

Бу тун кимлар қолиб, кимлар кетдилар,
Қайда ризқ гуллади, қайдадир фитна.
Сен келдинг, гўдаклар иси ҳам келди,
Сен келдинг, ер-осмон чайилди сутга.
Дилимга хуш келдинг, эй субҳи саҳар,
Элимга хуш келдинг, эй субҳи саҳар.




**Фарида АФРЎЗ**

## *Баҳор, келақол...*



Кўклаб кетди
Кўксимдаги найзалар,
Гул очмоқда,
Кипригимда майсалар,
Бир бор келар,
Минг йилда бу лаҳзалар,
Ёр келар кун келди, баҳор,
келақол.
Энтикади,
Юрагимдек дарёлар,
Ҳар куртакда
Кулар бўлди дунёлар,
Қордай бугун
Эриб битди рўёлар,
Ёр келар кун келди, баҳор, келақол.
Кундуз билан
Тунлар бугун тенглашар,
Мусичалар
Бир-бировин "сиз"лашар,
Ва ниҳоят,
Ошиқ диллар тиллашар,
Ёр келар кун келди, баҳор, келақол.
Сен баҳона,
Ғунча кўнглим очардим,
Ёр пойига
Атир сўзим сочардим,
Бошим олиб,
Ўзим ўздан қочардим,
Ёр келар кун келди, баҳор, келақол.

## *Юр, чиқайлик Наврўзга!*

(Халқ оҳангида)



Юр, чиқайлик Наврўзга
Таралла, ялло-ялло,
Юрак тўлгандир сўзга,
Таралла, ялло-ялло.

Осмон ва ер уйимиз,
Таралла, ялло-ялло,
Кўкка етган бўйимиз,
Таралла, ялло-ялло.

Гина-кудурат йўқ бўлсин,
Таралла, ялло-ялло,
Кўнгил доим тўқ бўлсин,
Таралла, ялло-ялло.

Ўлан айтсин бахшилар,
Таралла, ялло-ялло,
Келаверсин яхшилар,
Таралла, ялло-ялло.

Осмон тўла гулдирак,
Таралла, ялло-ялло,
Кўклам тонгидан дарак,
Таралла, ялло-ялло.

Ҳамма хурсанд, ҳамма шод,
Таралла, ялло-ялло,
Кўнгиллар бўлди обод,
Таралла, ялло-ялло.

Бу халқимнинг байрами,
Таралла, ялло-ялло,
Юрак ёниб яйради,
Таралла, ялло-ялло.

Юр, чиқайлик Наврўзга,
Таралла, ялло-ялло,
Шукр де, ризқу рўзга,
Таралла, ялло-ялло.

**Ашурали БОЙМУРОД**



**Зебо МИРЗО**

## *Яқинлашар юракка баҳор...*

Яқинлашар юракка баҳор,
Кунлар яқин келади бахтга.
Саҳарларда айта бошлайсан,
Сирларингни оппоқ дарахтга.

Сўрамайсан ҳеч кимдан узр,
Ўпаётиб гулу майсани!
Бошинг узра тўкиб ўтар нур
Гўзал Мартнинг абри найсони.

Булбул ғазал айтар арузда,
Гоҳ сарбастда, йўқ бунда чеклам.
Урф бўлгандай шарқона тусда
Миллийлашиб боради кўклам.

Айланади ошиққа – не бор,
Бугун ҳар сўз ишққа доирдай.
Масрур ўтар кўчадан Баҳор
Энг зўр шеърин ёзган шоирдай.

Ҳеч кимсага келмайди малол;
Япроқларга лабингни босиб,
Севса бўлар энди бемалол
Кечалари ақлдан озиб!..

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz th-tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 71 233-70-10
Масъул котиб: 71 233-55-38
Бўлим муҳаррирлари 71 233-38-23, 71 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 71 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3219. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 9 365 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.00.

Реклама ўрнида

**“Тошкент вилояти Чимган-Чорбоғ рекреацион ҳудуди минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси” ДУК жамоаси**

**юртимиз аҳлини**

## Наврўз айёми

**билан қутлайди!**
**Бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**
**Хонадонларимизни тинчлик, файз-барака, қувонч тарк этмасин!**

## Уруғчиликни ривожлантириш маркази

**ДУК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси**

**Сиз, азизларни яшариш ва янгиланиш байрами –**

## Наврўзи олам

**билан муборакбод этади!**
**Ишларингизга ривож, оилангизга бахт ва омад тилайди!**

IPOTEKA BANK

## «Ипотека-банк»

**акциядорлик тижорат банки вилоят филиали жамоаси юртимиз аҳлини**

## Наврўз умумхалқ байрами

**билан табриклаб, хонадонларига қут-барака, хотиржамлик тилайди!**
**Ҳаётингиз қувончу шодликларга тўлсин, азизлар!**

## XALQ BANKI

*Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми –*

## *Наврўзи олам*

*билан самимий табриклайди!*
*Юртимиз тинч, хонадонларимиз файзли бўлсин!*



### *Халқ банкидан байрам акцияси!*

- *Халқ банкидан халқаро “Visa” тўлов картасини очиш, ушбу карталардаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди.*
- *Интернет тўлов ва смс хабарларга уланиш эса мутлақо бепул.*
- *Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.*

*Телефонлар: (71) 200-00-55, (78) 120-17-70, 120-17-32*

100096, Toshkent sh., Qatortol ko‘chasi, 46 | +998 71 200-00-55 | @xalqbanki | www.xb.uz | info@xb.uz

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида

# «БЕКОБОДЦЕМЕНТ»

акциядорлик жамияти

барча юртдошларимизни миллий
қадриятларимизни ўзида мужассам этган

## Наврўз байрами

билан қутлайди.

Яшариш ва янгиланиш фаслининг мунаввар лаҳзаларида барча
эзгу орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин, қадрли юртдошлар!

Олмалиқ
кон-металлургия
комбинати

акциядорлик жамияти халқимизни

## Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Азалий ва абадий қадриятларимиз рамзи бўлган
ушбу айём юртимизга тўкинлик,
хонадонларимизга файзу барака олиб келсин!

Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

GALLA ALTEG
AKSIYADORLIK JAMIYATI

# «G'ALLA-ALTEG»

акциядорлик жамияти юртдошларимизни

## Наврўз айёми

билан қутлайди.

Баҳорий кайфият, эртанги кунга
ишонч ва эзгу ниятлар доимий
ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!